

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



Рўйхатга олинди:  
№ БД – 5220100- 3.02  
2016 йил “ 9 ” 01

Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги

2016 йил “ 22 ” 01

**ЖУРНАЛИСТИК ИЖОД МАҲОРАТИ АСОСЛАРИ  
ФАН ДАСТУРИ**

Билим соҳаси: 200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ  
Таълим соҳаси: 220000 – Журналистика ва ахборот  
Таълим йўналиши: 5220100 – Журналистика (*халқаро журналистика*)

Тошкент – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

#### **Тузувчилар:**

**Тошпўлатова Н.** – “Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти” кафедраси мудири, ф. ф.н.

**Нурматов А.** – “Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти кафедраси” доценти, ф. ф.н.

**Саидов Х.** – “Бошланғич таълим” журнали бош муҳаррири, ф. ф.н.

#### **Такризчилар:**

**Маматова Ё.М.** – ЎзМУ журналистика факультети “Матбуот” кафедраси мудири, ф.ф.д. (*турдош ОТМ*);

**Остонов С.** – «Ўзбекистон овози»-«Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист (*кадрлар буюртмачиси*).

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

## КИРИШ

“Журналистик ижод маҳорати асослари (янгиликлар журналистикаси, репортёрлик санъати, таҳлилий журналистика, шарҳлаш журналистикаси, бадиий-публицистик маҳорат)” фани ўқув режасида қайд қилинган бошқа назарий ва амалий курслар билан биргаликда ҳар томонлама етук мутахассис тайёрлашга йўналтирилган. Мазкур курс назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, у публицистиканинг янгиликлар журналистикаси, репортёрлик санъати, таҳлилий журналистика, шарҳлаш журналистикаси ва бадиий-публицистик маҳорат каби турлари юзасидан тушунча беради.

### **Фаннинг мақсад ва вазифалари**

**Фанни ўқитишдан мақсад** – талабаларда журналистиканинг муайян турлари (янгиликлар журналистикаси, репортерлик санъати, таҳлилий журналистика, шарҳлаш журналистикаси ва бадиий-публицистик маҳорат), жанрларида ижод қила олиш кўникмаси ва малакасини шакллантиришдир.

**Фаннинг вазифаси** – талабаларда янгиликлар журналистикаси, репортерлик санъати, таҳлилий журналистика, шарҳлаш журналистикаси, бадиий-публицистик маҳорат каби жаҳон журналистикасининг етакчи йўналишларига оид билим ва малакани мустаҳкамлаш, назарий билимларни шакллантириш ва амалда уни қўллай олиш кўзда тутилади.

### **Фан бўйича талабаларнинг билими, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар**

- ахборот, янгилик, информация тушунчалари, уларга жаҳон журналистикаси нуқтаи назаридан берилган таърифлар;
- янгиликларнинг халқаро жамият тараққиётида тутган ўрни, глобаллашув жараёнида янгиликларнинг халқаро аҳамият касб этиши;
- репортёрлик фаолияти, репортёр шахсига қўйиладиган талаблар;
- сиёсий репортажлар, белгиланган мавзу, воқеабанд, муаммоли каби репортаж турлари;
- таҳлилий журналистиканинг асосий тушунчалари;
- таҳлил олиб боришда билишнинг эмперик ва назарий методларидан фойдаланиш;
- журналистик таҳлил ва унинг хусусиятлари, анализ ва синтез, журналистнинг шахсий фикр-мулоҳазалари;
- таҳлилий журналистиканинг корреспонденция, мақола, тақриз, журналист текшируви каби жанрлари ва уларнинг ўзига хослиги, муштарак ва фарқли томонлари;
- шарҳнинг ўзига хос хусусиятлари ва бошқа жанрлар билан алоқадорлиги, ижтимоий онгни шакллантиришда шарҳнинг аҳамияти, ҳукумат

қарорлари ва фаолиятини доимо шарҳлаб бориш журналистиканинг ажралмас қисми;

- шарҳ турлари, уларнинг фарқли ва ўхшаш томонлари;
- шарҳ ёзишда журналист позицияси, шарҳлаш журналистикасида факт ва унинг талқини, шарҳда журналист шахси;
- умумий тасвир ва журналистика ҳақида
- публицистика ҳақида умумий тушунча: “бадий публицистика” ҳамда “публицистика” истилоҳларининг маъноси ва мазмуни;
- бадий публицистикада мантиқий мулоҳаза ва бадий тафаккур бирлиги;
- бадий-публицистик жанрлар: очерк, фельетон, памфлет, хат, публицистика, эссе;
- кичик бадий-публицистик жанрлар(масал, эпиграмма, пародия, ўртоқлик ҳазиллари ва бошқалар) ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- янгиликни топиш ва ажрата олиш, янгиликлар тузилмаси ва олти боқий савол;
- янгиликларнинг хронологик, “тўнқарилган эҳром” ва климатик шаклини;
- янгиликлар тузилмасида “кириш”нинг вазифасини;
- янгиликларнинг турлари ва уларнинг оммавий ахборот воситаларидаги ўрни теле-радио янгиликларнинг ўзига хослигини;
- репортажларда муаммо қўйиш маҳоратини;
- интервью ва суҳбат жанридан фойдаланишни;
- интервью жанри хусусиятлари ва турларини, интервью методикасини;
- суҳбат жанри ва унинг турларини, суҳбат мавзусини олдиндан белгилай олиш ва унга тайёр бўлишни, репортаж ва суҳбат жанри усталарини;
- ҳисоботнинг жанр хусусиятлари, ҳисоботда биринчи манбалар, расмий ҳужжатлардан фойдаланиш, ҳисоботда репортёр услуги ва тилининг аҳамиятини;
- корреспонденция, унда таҳлилнинг хусусиятлари, корреспонденция ёзиш методикасини;
- мақола – таҳлилий журналистиканинг етакчи жанри эканлиги, мақоланинг турлари: ташвиқий, муаммоли, илмий-маърифий, кўнгилочар мақола нима эканини;
- тақриз ва унинг илмий, бадий, театр, кинотақриз каби турларини;
- журналист текширувининг жанр хусусиятини;
- таҳлилий журналистикада техник воситалардан фойдаланишни;
- шарҳ ва шахсий фикрни, улар ўртасидаги тафовутни, шарҳ ва унга муносабатни;
- шарҳ ёзишнинг касб одоби қоидалари, шарҳ ёзишда журналист позицияси: қарши, бетараф, қўллаб-қувватловчи позицияларни;
- сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий, матбуот, спорт шарҳларининг фарқлари ва уларни ёзишда қўйиладиган талабларни;
- шарҳда холислик принципининг аҳамиятини;

- сиёсий шарҳларнинг даврийлиги ва долзарблиги моҳиятини;
- сиёсий шарҳларда қиёсий таҳлилнинг етакчилигини;
- бадиий-публицистик жанрларнинг ўзига хос хусусиятларини;
- бадиий-публицистик жанрда факт ва унинг талқинини;
- очеркда ҳаққонийлик принципи ва бадиий тўқима меъёрини;
- фельетоннинг ижтимоий функциясини, памфлетда қўлланиладиган усулларни;
- хат жанрида ижод қила олишни;
- эссе табиати ва унинг ўзига хос хусусиятларини;
- кичик бадиий-публицистик жанрларга “юкланадиган” ижтимоий “юк” нимадан иборат эканини билиши ва улардан фойдалана олиши;
- турли мавзуларда янгилик ёза олиш;
- оммавий ахборот воситалари турларига мос янгиликларни етказиб бериш;
- матбуотда янгиликларни моҳиятига кўра жойлаштира олиш;
- янгиликларнинг турли кўринишлари юзасидан мустақил фикрга эга бўлиш;
- янгиликларни таҳрир қила олиш;
- жаҳон оммавий ахборот воситаларидан янгиликларни таржима қила олиш;
- маҳорат билан репортаж ёза олиш, интервью олиш маҳоратини эгаллаш;
- суҳбатда баҳс маданияти;
- маҳорат билан ҳисобот ёзиш. Биринчи манба ва ҳужжатлардан фойдалана олиш;
- мақоланинг барча турларини ёза олиш, мақолада муаммо қўя олиш;
- таҳлилда мантиқий усуллардан фойдаланиш;
- тақриз ёза олиш, бошқалар ёзган тақризни баҳолай олиш;
- таҳлилий журналистика турларини фарқлаш;
- шарҳда билвосита нутқ, шарҳ ёзишда феъллардан фойдаланиш ва услуб танлай олиш;
- шарҳда индукция ва дедукция услубидан фойдаланиш;
- шарҳ ва тарғибот, фактлардан тарғибот сифатида фойдаланиш;
- даврий нашрлардаги халқаро шарҳларни таҳлил қила олиш ва мустақил шарҳ ёзиш;
- бадиий-публицистик жанрларда ёзилган материалларни таҳлил қила олиш;
- очерк, фельетон, памфлет, эссе, хат жанрида ёза олиш;
- матбуот, радио, телевидение таҳририятларида, нашриётда ишни ташкил қилиш кўникмаларига эга бўлиши керак.

**Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги**

“Журналистик ижод маҳорати асослари” фани асосий ихтисослик фани ҳисобланади. Бу фанни ўзлаштириш учун “Жаҳон журналистикаси асослари”, “Ахборот хавфсизлиги”, “Жаҳон ва Ўзбекистон журналистикаси тарихи”, “Экология”, “Журналистика психологияси ва социологияси”, “Сиёсатшунослик”, “Тилшунослик”, “Адабиётшунослик”, “Халқаро журналистиканинг ҳуқуқий асослари”, “ОАВ тили ва стилистикаси”, “Таҳрир маҳорати” фанларидан етарли билим, кўникма ва малакага эга бўлиш талаб этилади. Бу фан таркибига кирган барча бўлимлар мантикий изчилликка асосланган ҳолда кетма-кет жойлаштирилган.

### **Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Ушбу фан таркибига кирувчи назарий билимларни эгалламай туриб журналист-мутахассис бўлиш мумкин эмас. Чунки журналистик фаолият самарадорлиги журналистнинг чуқур билимга эга бўлиши билан бирга журналистик матн шакл ва мазмунини яхши билиши, аниқроғи жанрлар талаби асосида журналистик асар ёза олиши керак. Мазкур фанни чуқур ўзлаштирган талаба келгусида журналистик ижодида аниқликка, ҳар бир далил ва маълумотлар, ҳужжатлар билан ишлашга жиддий ёндашишга, ўзи ишлайдиган ОАВ таҳририяти фаолиятини яхшилаш ва ривожлантириш борасида аниқ таклиф ва режалар ишлаб чиқа олишга ўрганади. Ўзида бундай малакаларни шакллантирган мутахассис учун меҳнат бозорида ўзига муносиб иш ўринларини топиши осон бўлади.

### **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Талабаларнинг ўқув дастури доирасида “Журналистик ижод маҳорати асослари” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги инфор­мацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлардан фойдаланилади. Маъруза ва амалий дарсларда мос равишдаги илғор педагогик технологиялардан фойдаланилади. Техник ва кўргазмали воситалар машғулотнинг мазмуни ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда ўқитувчи томонидан белгиланади.

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

### **Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни**

#### **Янгиликлар тушунчаси**

Янгилик тушунчасининг келиб чиқиши. Янгиликнинг ўзига хослиги. Янгиликнинг журналистикадаги бошқа жанрлар учун асос эканлиги. Янгиликлар концепцияси.

### **Янгилик ва тараққиёт**

Янгиликларнинг давлат ва жамият тараққиётига таъсири. Демократик жамият учун янгиликларнинг аҳамияти. Тоталитар тузумда янгиликларнинг аҳамиятсизлиги. Уюштириладиган сохта янгиликларнинг мақсадлари.

### **Ахборот олишнинг ҳуқуқий кафолатлари**

Ўзбекистонда журналистнинг ахборот олиш ҳуқуқлари бўйича давлат қонунлари. Ахборот олишни таъминлаш. Ахборотнинг тўғрилиги учун жавобгарлик. Журналистнинг мажбуриятлари. Журналистика соҳасининг сири. Янгиликлардан ўз вақтида огоҳ бўлиш санъати. Демократик жамиятда ахборот йиғишнинг мураккаблиги. Содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар орасидан янгиликни ажрата билиш. Аниқланган янгиликларнинг далил (факт)ларини қайта текшириш.

### **Янгиликлар тузилмаси ва олти боқий савол**

Жаҳон оммавий ахборот воситалари янгиликлари қабул қилган олти савол - «ким», «нима», «қаерда», «қачон», «нега», ва «қандай қилиб» ахборотнинг асосий унсурлари сифатида. Материал тузилмасини белгилаб олиш, танлаш. “Тўнқарилган эҳром” шакли, оддий хронологик шакл. Климатик шакл. Бошқа тузилмалар.

### **Кириш (лид) нинг оҳанграбоси**

Сарлавҳага танланган сўзлар (сарлавҳали янгилик матни учун) – киришнинг энг таъсирли воситаси. Иқтибосли кириш. Ўқувчига мурожаат қилинган саволли кириш. «Нима»лигини аниқлаш билан бошлаш. «Ким» унсури доим эътиборда. «Қачон»нинг ҳам аҳамияти катта. «Мавзуга қайтиб» кириши. Киришнинг бошқа кўринишлари.

### **«Тил»ингиз имкониятлари ва таҳрир санъати**

Тил қонуниятларини билиш. Сўз юкини ҳис қилиш масъулияти. Янгилик ёзишда қисқаликка, аниқликка риоя қилиш. Фикрни қисқа сатрларда баён қилиш маҳорати. Мавҳумликдан қочиш. Ноўрин ишлатилган сўз ёки жумла. Ортиқча гап ўқувчини бездириши. Бўрттириб ёзишнинг зарарлари. Янгиликлар таҳрирининг ўзига хосликлари.

### **Янгиликлар турлари ва уларнинг ОАВдаги ўрни**

Давлат сиёсати, халқаро сиёсат ҳақида янгилик ёзиш. Иқтисод-молия ҳақида янгилик ёзиш. Таълим янгиликлари. Илмий янгилик ёзиш. Спорт янгиликларининг энг кўп ўқилиши. Бошқа мавзудаги янгиликлар ёзишнинг ўзига хосликлари. Янгиликлар ёзишда ихтисослашишнинг аҳамияти.

### **Телерадиоянгиликларнинг ўзига хос хусусиятлари**

Телеянгиликлар. Телеянгиликлар матнининг тасвирдаги воқеа-ходисалар билан ҳамоҳанглиги, боғлиқлиги. Репортёр услуги - жонли чиқиш ва нутқнинг ўзига хослиги. Радио янгиликлар. Репортёрнинг нутқ маданияти. Воқеа-ходисалар иштирокчиларининг жонли гувоҳликларини янгиликда бера билиш маҳорати.

### **Репортерлик санъати** **Репортаж**

Репортаж ахборот жанрининг асосий турларидан бири сифатида. Репортаж ёзиш жараёнида журналист воқеа-ходисанинг иштирокчиси сифатида. Репортажда жой, муҳит, манзара, одамларнинг кайфияти, воқеа-ходисалар жараёнининг акс этиши. Репортаж турлари. Воқебанд, муаммоли ва мавзули репортажлар. Матбуот, теле, радиорепортажларнинг ўзига хос хусусиятлари

### **Интервью**

Интервью- ахборот жанри сифатида. Интервью ахборот йиғиш усулларидан бири сифатида. Интервью композицияси. Интервью олдида кўйиладиган специфик талаблар. Интервьюнинг кўринишлари: Интервью - монолог, интервью - ахборот, интервью – диалог, эксклюзив интервью, анкета, сўровнома, жамоавий интервью.

### **Сухбат**

Сухбатнинг таҳлилий жанр сифатидаги хусусияти. Интервью ва сухбатнинг умумий ва ўзига хос жиҳатлари. Сухбатда журналист саволи. Сухбатда баҳсга киришишнинг ўзига хос хусусиятлари. Баҳслашиш одоби. Сухбатдошнинг жавобларини шарҳлаш. Интервью ва сухбатда мавзунинг кўйилиши.

### **Ҳисобот**

Ҳисобот жанр сифатида. Ҳисоботнинг информацион хусусияти. Ҳисоботнинг объекти. Ҳисобот турлари Умумий, мавзули ва изоҳли ҳисоботлар. Ҳисоботда ҳажмнинг аҳамияти.

### **Таҳлилий журналистика**

### **Таҳлилий журналистика тўғрисида тушунча**



Таҳлилий журналистика ҳақида тушунча ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Фикр журналистикаси, унга қўйиладиган талаблар. Таҳлилнинг унсурлари. Фактлар билан ишлаш ва уни таҳлил қилиш. Таҳлилий журналистикада анализ ва синтез тушунчаси. Таҳлилда мантикий усуллардан фойдаланиш. Қиёслаш, чоғиштириш, мантикий мушоҳада унсурлари– таҳлилий журналистиканинг асосий қуроли сифатида.

### **Корреспонденция жанрига тавсиф**

Корреспонденция жанрига қўйиладиган талаблар. Корреспонденция ёзиш методикаси. Корреспонденциянинг турлари: информацион ва таҳлилий корреспонденция. Информацион корреспонденциянинг ўзига хослиги, унга қўйиладиган талаблар, унинг информациядан фарқли томонлари. Таҳлилий корреспонденциянинг асосий вазифаси ва унда фактлар талқини. Матбуот материалларида таҳлилий корреспонденциянинг ўрни ва аҳамияти.

### **Мақола жанри ва унинг турлари. Мақола –таҳлилий журналистиканинг етакчи жанри сифатида**

Мақоланинг тарихий илдизлари. Мақоланинг асосий хусусиятлари, ўзига хослиги ва бошқа таҳлилий жанрлардан фарқли томонлари. Мақолага қўйиладиган талаблар ва бажариши лозим бўлган вазифалар. Мақоланинг ташвикий, муаммоли, илмий-маърифий, кўнгилочар мақолалар сингари турлари. Ташвикий мақола. Жанр хусусиятлари. Ўзбек журналистикасида ташвикий мақолаларнинг энг яхши намуналари. Ташвикий мақола методикаси.

### **Муаммоли мақола. Журналистикада муаммо кўтариш**

Муаммо нима? Муаммоли мақоланинг асосий хусусиятлари ва унга қўйиладиган талаблар. Мақолада муаммонинг қўйилиши ва унга журналист ёндашуви. Муаммоли мақолада факт ва унинг таҳлили. Муаммоли мақолада муаллиф шахси. Муаммоли мақола ёзиш методикаси. Энг яхши муаммоли мақолаларни таҳлилга тортиш. Матбуотда муаммоли мақолаларнинг тутган ўрни. Машхур мақоланавислар

### **Илмий-маърифий мақолалар**

Илмий-маърифий мақоланинг жанр хусусиятлари. Илмий-маърифий мақолалардан кўзланган мақсад, унга қўйиладиган талаблар. Илмий-маърифий мақола ёзиш методикаси. Илмий-маърифий мақолаларнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти. Энг яхши илмий-маърифий мақолалар таҳлили.

### **Кўнгилочар мақолалар. Кўнгилочар мақолаларнинг матбуотдаги ўрни ва аҳамияти**

Жамиятда кўнгилочар мақолаларга эҳтиёжнинг борлиги. Кўнгилочар мақолалар мавзулари. Жанр хусусиятлари. Кўнгилочар мақолаларга қўйиладиган талаблар, унинг даврий нашрлар савиясига таъсири. Ўқишли ва шов-шувли кўнгилочар мақолалар, уларнинг аудиторияга таъсири. Кўнгилочар мақолалар ёзиш методикаси. Энг яхши кўнгилочар мақолалар.

### **Такриз ва унинг турлари**

Такризга қўйиладиган талаблар ва унинг асосий хусусиятлари. Такриз турлари: илмий ва бадиий такриз, уларнинг фарқли ва ўзига хос муҳим томонлари. Такриз ёзиш методикаси. Матбуотда такризларнинг ўрни ва аҳамияти. Энг яхши такризларни таҳлил қилиш

#### **Журналист текшируви. Журналист текшируви ва жиноий-процессуал суриштирув**

Бу жанрнинг ўзига хос хусусиятлари ва унга қўйиладиган талаблар. Матбуотда журналист текширувига бўлган эҳтиёж ва уни амалга ошириш жараёнлари. Журналист текширувида факт ва далилларнинг аҳамияти ҳамда уларнинг ечими. Жиноий-процессуал суриштирув билан журналист суриштирувининг фарқи. Журналист текширувининг ҳуқуқий асослари. Журналист текширувини, ёзиш методикаси. Журналист текширувида муаллиф позицияси.

#### **Журналист текшируви ва касб этикаси**

Журналист текшируви қачон ва қандай мақсадда ўтказилади? Журналист текшируви олиб борадиган журналистнинг касб этикаси. Журналист текшируви ўтказувчи газета ёки журналнинг таҳририят маълумотномаси (досьеси). Журналист текшируви ёзиш учун маълумот ва фактлар, манбалар. Журналист текширувида аниқлик ва изчиллик. Энг яхши журналист текширувлар таҳлили.

### **Таҳлилий журналистикада техникавий воситалардан фойдаланиш**

Таҳлилий журналистикада техникавий воситалардан фойдаланиш ҳуқуқи ва чегаралари. Журналист текширувида ахборот йиғиш усуллари ва уларни қўллаш. Мансабдор шахсларнинг журналист текширувини ўтказишга муносабатлари юзасидан мажбуриятлари. Жаҳон журналистикасида журналист текшируви (суриштируви) ҳодисаси.

#### **Шарҳлаш журналистикаси *Шарҳлаш журналистикасига кириш***

Шарҳлаш ҳақида умумий тушунча. Жанрлар классификацияси. Унинг фан сифатидаги шаклланган даври ва тарихи. Унинг алоҳида йирик жанрга –

шарҳлаш журналистикасига айланиши. Шарҳнинг жамият ва жамоатчилик олдидаги муҳим вазифалари. Шарҳнинг алоҳида жанр сифатидаги ўзига хослиги. Шарҳнинг “изоҳлаш”, “тушунтириш” каби маънолари. Шарҳнинг объекти реал содир бўлган воқеа, ҳодиса эканлиги. Шарҳда муносабат билдирилади ва муносабат шакллантирилади.

### ***Шарҳ синтетик жанр сифатида***

Шарҳ хусусиятлари. Комментарий, обзор, обозрение кабилар ҳақида тушунча. Шарҳнинг мақола, ҳисоботлардан фарқли ва ўхшаш жиҳатлари. Шарҳ турли жанрлар кесишган чорраҳада пайдо бўлгани. Шарҳда қисқалик, лўндалик ва аниқлик каби талабларнинг мавжудлиги. Шарҳ аудиторияни ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишга ундаши, муҳим ва жиддий муаммолар атрофида суҳбатлар, баҳс-мунозаралар уюштириш.

### ***Шарҳ бош мақола сифатида. Шарҳ композицияси ва ҳажми***

Шарҳда мазмун ва унинг унсурлари. Шарҳнинг таркибий қисмлари: кириш, асосий қисм, якундан иборат эканлиги. Сюжет, композиция, тил, услуб ва ҳоказолар шарҳ шакли сифатида. Шарҳлаш режаси. Ғояга ва мақсадга мувофиқ мавзу танлаш. Уларни жойлаштириш, муаммони ўртага қўйиш ва сюжетга сингдириш, шахсларни гуруҳлаштириш, қарашлардаги зиддиятларни аниқлаш. Умумлашма хулосалар чиқариш, якун.

### ***Шарҳ турлари. Очиқ шарҳ***

Шарҳ турлари ва уларнинг хусусиятлари. Шарҳнинг ташқи ва ички, маҳаллий ва халқаро, сиёсий, иқтисодий, илмий, расмий, диний, адабий-бадиий, публицистик кўринишлари ҳақида маълумот. Шарҳнинг очиқ, пардаланган ва ноихтиёр турлари. Очиқ шарҳ- бу аниқ кўриниб турган нарсани шарҳлаш. Ривожланган мамлакатларда шарҳнинг бу туридан воз кечганлиги. Очиқ шарҳлар катта тажрибага эга бўлган журналистларгагина берилиши.

### ***Пардаланган ва ноихтиёр шарҳ***

Пардаланган шарҳда муаллифнинг нуқтаи назаридан кўра таҳририятнинг фикри муҳим эканлиги. Муайян газета муҳарририятининг шарҳи ўша нашр ҳайъатининг нуқтаи назарини ифодалаши. Шарҳга оид рукнлар. Пардаланган шарҳда эҳтирос, ҳис-ҳаяжонни ифодаладиган сўзлардан кенг фойдаланиши. Истеҳзо, киноя усулларини қўллаш. Ҳар бир шаҳрловчи ўз шарҳлаш усулига ҳам эгалиги. Шарҳлаш одоби ва қонун-қоидалари. Ҳаққонийлик, холислик журналист этикасининг бош шартли. Ёзилган ва ёзилмаган касб одоби шартлари.

### ***Муаммони аниқлаш шарҳнинг асосий хусусиятлари***

Муҳокама ёки ҳал қилиниши лозим бўлган муаммони аниқлаш. Альтернатив (муқобил) имкониятлар рўйхатини тузиш. Ҳар бир имкониятни кўриб чиқиш. Альтернатив (муқобил) имкониятларни текшириш, уларнинг ҳар бирига танқидий нуқтаи назар билан қараш. Энг муқобил жавобни, энг фойдали ечимни топгунга қадар ҳаракат қилиш. Шарҳ якунида муаллиф ўзи ишлаб чиққан, маъқул деб топган ечимларни келтириш.

### ***Шарҳда факт таҳлилининг ўрни***

Шарҳда индуктив ва дедуктив услуб. Фактларни излаб топиш ҳамда талқин этиш. Келтирилган маълумотларни илмий жиҳатдан тўғри таснифлаш. Шарҳлашда факт нима ва у қандай аҳамиятга эга. Факт-ўйлаб чиқарилмаган ҳақиқатда содир бўлган, реал воқелик. Фактнинг ғояга кўра танланиши. Изоҳ ва далиллар муаммони атрофлича ёритиш ва хулосаларни асослаш учун хизмат қилиш.

### ***Шарҳловчи шахси ва позицияси***

Шарҳловчининг вазифасидан келиб чиқиб унинг шахси ва позициясини белгилаш. Шарҳловчи билимдонлиги, зийраклиги, маҳорати. Шарҳловчи фактларни рўй-рост, тўлиғича ўқувчиларга тақдим этиши. Шарҳловчи коррупциянинг ҳар қандай кўринишига хизмат қилишдан қочиши лозим. Шарҳловчи фикр-мулоҳазаларни ҳамма учун тушунарли тарзда етказиб бериши. Шарҳловчи кучли эътиқодга эга бўлиши ва ҳаётнинг демократик тамойилларига қатъий ишониши зарур. Шарҳда қарши, бетараф ва қўллаб-қувватловчи позициялар.

## **Шарҳда маҳорат масалалари**

Шарҳлаш маҳорати ва матбуот. Билим, тажриба, дунёқараш, истеъдод даражаси маҳорат унсурлари сифатида. Ҳаётни кузатиш, муҳим факт ва муаммоларни кўра олиш ҳамда оммага тушунтира олишда шарҳловчи маҳорати. Маъно, мантиқ, руҳият. Монолог ва диологларнинг аҳамияти. Мавзунини парадоксал тарзда ёритиш, гипотезаларни шакллантириш, сентенция, метафора ёки таққослаш, “илмоқ” ишлатиш ва ҳ.з.

### **Бадиий-публицистик маҳорат**

### **Бадиий-публицистик жанрлар**

Публицистикага таъриф. Публицистика жанрлари: ахборот (информацион), таҳлилий-тадқиқий (аналитик), бадиий публицистик, оралик жанрлар. Бадиий-публицистик жанрлар публицистиканинг баланд чўққиси эканлиги. Бадиий-публицистикада мантиқий мушоҳада ва бадиий тафаккур бирлиги. Бадиий-публицистика жанрлари: очерк, фельетон, памфлет, эссе, адабий-танқидий мақола, хат (эпистоляр публицистика) жанрлари, кичик бадиий-публицистик жанрлар (масал, эпиграмма, мақол, латифа, ҳикоят, ривоят, афсона, ҳикматли сўз, афоризмлар). Бадиий мақоланавислик

тарихидан. Истиклол йилларида бадий-публицистика тараққиёти тамойиллари.

### **Очерк**

Бадий-публицистиканинг кенг тарқалган жанри. Очеркда мантикий мушоҳада ва образли тафаккур. Очеркда публицистик рух, публицистик тадқиқот. Эскиз ва этюд. Очеркда сюжет, композиция, конфликт, характер, тил, услуб масалалари. Очерк тарихидан. ”Мажолис-ун нафоис”, “Бобурнома”, “Саёҳатнома”ларда очерк унсурлари. Рус ва бошқа халқлар адабиёти ва публицистикасида очерк жанри ҳақида. Ғарб адабиёти ва журналистикасида “очерк” атамасининг ўрнига ”Эссе” атамасининг ишлатилиши. Очерк ҳақидаги ўзбек, рус ва бошқа халқлар тилларида ёзилган илмий тадқиқотлар (дарслик, монография, китоб, қўлланма, мақола ва бошқа тадқиқотларга шарҳ).

Портрет очерк - очеркнинг кенг тарқалган тури сифатида. Портрет ҳақида тушунча. Очеркда қаҳрамон, персонаж портретини чизиш йўллари. Газета очерки, журнал очерки, радио очерк, телеочерк, киноочеркда портрет чизиш усуллари. ”Мажолисун-нафоис”, “Бобурнома”да портрет чизиш санъати. Рус адабиётида портрет очерклари (А.Аграновский, Г.Бочаров очерклари асосида). Портрет очеркда характер, тип яратиш маҳорати. Портрет очеркда сюжет, композиция масалалари. Портрет очерк тили, услуби.

### **Йўл очерки (сафарнома)**

Йўл очерки-очеркнинг кенг тарқалган турларидан бири. Унинг ўзига хос хусусиятлари, тараққиёт тамойиллари. Йўл очерки тарихидан. “Бобурнома”, “Саёҳатнома” “Наводир –ул вақоя” (Аҳмад Дониш), “Саёҳат хотиралари” (М.Бехбудий), “Афғон сайёҳати” (А.Авлоний) кабилар ўзбек адабиётида йўл очерклари (сафарнома) нинг етук намунаси. Рус адабиётида йўл очерклари (Радищев:”Петербургда Москвага саёҳат”, Пушкин “Арзрумга саёҳат”, Гончаров: “Паллада” кемасида саёҳат”, Чехов: “Сахалин”, Горький: “Рус бўйлаб”, Илья Ильф ва Петров: “Бир қаватли Америка”; В. Песков, Стрельников: “Океаннинг нариги томонида” ва ҳ.к.) Эстон адиби Ю.Смуулнинг “Музнома” (“Ледовая книга”) асари. Кейинги йиллар ўзбек адабиётида, журналистикасида йўл очерклари (В.Зоҳидов, Л.Қаюмов, А.Орипов, Э.Воҳидов, А.Мелибоев, М.Али, Назира Қурбон, Д.Нурий ва бошқаларнинг йўл очерклари). Йўл очеркида сюжет, композициянинг ўзига хослиги. Йўл очеркининг тили ва услуби.

### **Бадий публицистикада сатира ва юмор**

Сатира ва юмор ҳақида маълумот. Сатира ва юморнинг кулгига асосланганлиги. Кулги табиати. Сатира (хажв) – ўткир кулги, захарханда, кесатиш, масхара қилиш. Фельетон, памфлет– сатирик асарлар.

Юмор – енгил, майин кулги: аския, латифа, анекдот, ҳазил-мутойба - юморга асоланганлиги. Ҳажвий ва юмористик асарлар тарихидан. Навоий, Бобур, Турди, Махмур, Гулханий, Муқимий, Фурқат асарларида сатира ва юмор. Жаҳон адабиётида сатирик ва юмористик асарлар. Сатирик, юмористик газета, журналлар, радиоэшиттириш, телекўрсатувлар ҳақида. Сатирик, юмористик асарлар тили ва услуби.

### **Эссе**

Эссе – бадиий-публицистик жанр. Эссенинг ўзига хос хусусиятлари. Эссе тарихидан. Мишель Монтень – эссе жанрининг асосчиси. Ғарб адабиётида эссенинг тараққий топганлиги. Рус адабиётида эссе. Ўзбек адабиёти, журналистикасида эссенинг ривож топаётганлиги. Эссе композицияси, тили, услубининг ўзига хос хусусиятлари.

### **Хат (эпистоляр публицистика)**

Хат - бадиий-публицистик жанр. Эпистоляр публицистиканинг ўзига хос хусусиятлари. Хат, мактуб тарихидан. Шарқ адабиётида номачилик. Алишер Навоий муншооти. Рус адабиётида эпистоляр публицистика (Белинский, Герцен, Л.Толстой, М.Горький, Ч.Айтматов хатлари). Ўзбек адабиёти, матбуотида хат жанри тараққиёти, тамойиллари, хатда муаллиф “мен”и. Хатда вазият таҳлили. Хат тили, услуби.

### **Адабий-танқидий мақола**

Ёзувчи мақоласи – бадиий-публицистик асар намунаси сифатида. Ёзувчи мақоласи – юксак маҳорат, профессионализм самараси. Ёзувчи мақоласида мантикий муҳокама ва образли тафаккур иттифоқи. Ёзувчи мақоласининг тили, услуби, композицияси. Рус адабиётидан Пушкин, Белинский, Добролюбов, Л.Толстой, Герцен, Чехов, Горький каби ёзувчи ва мунаққидларнинг адабий-танқидий мақолалари. Ўзбек матбуоти, адабиётида адабий-танқидий мақолалар тараққиёти тамойиллари.

### **Маиший мавзудаги бадиий-публицистик жанрлар**

Кичик бадиий-публицистик асарларга қисқача тавсиф, Масал ва унинг хусусиятлари. Масалда аллегория. Э.Лафонтен, Крылов, Гулханий, С.Михалков масаллари. Ўзбек адиблари С.Абдуқаҳҳор, О.Қўчқорбеков, М.Худойкулов масаллари. Эпиграмма ва унинг хусусиятлари. Жанрнинг яхши намуналари.

### **Амалий машғулотларнинг тахминий рўйхати**

#### ***Янгиликлар журналистикаси***

- Янгиликларни матбуот саҳифаларидан топиш
- Давлат сиёсати, халқаро сиёсат ҳақида янгилик ёзиш
- Иқтисодий мавзуда янгилик ёзиш

- Содир бўлган воқеа-ходисаларнинг ичидан янгиликни ажрата олишни ўрганиш
- “Тўнкарилган эҳром”, клематик, хронологик шаклларда янгилик ёзиш
- Маданий мавзуда янгилик ёзиш
- Таълим соҳасига оид янгилик ёзиш ва таҳрир қилиш
- Илмий янгилик ёзиш
- Спорт янгиликларини ёзиш ва таҳрири қилиш

### ***Репортёрлик санъати***

- Матбуот саҳифаларидан репортаж топиш ва таҳлил қилиш
- Воқебанд репортаж ёзиш ва таҳлил қилиш
- Мавзули репортаж ёзиш ва таҳлил қилиш
- Муаммоли репортаж ёзиш ва таҳлил қилиш
- Интервью – монолог ёзиш ва таҳлил қилиш
- Интервью – ахборот, интервью –диолог ёзиш ва таҳлил қилиш
- Сухбат ёзиш ва унинг интервьюдан фарқли томонларини кўрсата олиш
- Хабар ҳисобот ёзиш ва таҳлил қилиш
- Умумий ҳисобот ёзиш ва таҳлил қилиш

### ***Таҳлилий журналистика***

- Матбуот саҳифаларидан корреспонденция топиш ва таҳлил қилиш
- Матбуотдан мақола топиш ва таҳлил қилиш
- Мақола ёзиш ва таҳлил қилиш
- Муаммоли мақола ёзиш ва таҳлил қилиш
- Илмий-маърифий мақола ёзиш ва таҳлил қилиш
- Кўнгилочар мақола ёзиш ва таҳлил қилиш
- Матбуотдан тақриз топиш ва таҳлил қилиш
- Кино, теле, бадий тақриз ёзиш ва таҳлил қилиш
- Матбуотдан журналист суриштирувларини топиш ва таҳлил қилиш
- Журналист текшируви ёзиш ва таҳлил қилиш

### ***Шарҳлаш журналистикаси***

- Газета шарҳи. Халқаро ҳаётга оид, кундалик муҳим мавзудаги газета шарҳи.
- Журнал шарҳи. Ўзбек журналларидаги шарҳларга оид баҳс.
- Телешарҳ (Тошкент театрларида мавзусида янги асарлар шарҳи).
- Радишарҳ(шаҳар ҳаётдан). Ўзбек радиосидаги айрим шарҳлар таҳлили.
- Очиқ шарҳ (қишлоқ ҳаётдан).
- Пардаланган шарҳ (иқтисодий мавзуда, масалан: «қоғоз ва шакарнинг нархи қанча»).
- Кутилмаганда («ноихтиёр») шарҳ .
- Хорижий газеталар шарҳи (ўзбек, рус, инглиз, япон, корейс ва б. тиллардаги нашрлар (масалан «қаерда яшаш осон» дунё давлатларида меҳнат, иш ҳақи, яшаш шароитлари мавзусида) шарҳланади.
- «Биз ва бошқалар» (жамиятни демократлаштириш жараёни мавзуси шарҳланади).
- Сиёсий шарҳ ёзиш ва таҳлил қилиш

- Иқтисодий шарҳ ёзиш ва таҳлил қилиш
- Маданий шарҳ ёзиш ва таҳлил қилиш

### ***Бадиий-публицистик маҳорат***

- Матбуот саҳифаларидан очерк топиш ва таҳлил қилиш.
- Портрет очерк ёзиш ва таҳлил.
- Муаммоли очерк ёзиш ва таҳлил.
- Саёхатнома (йўл очерки) ёзиш ва таҳлил.
- Эссе ёзиш ва таҳлил.
- Хат (адабий хат) ёзиш ва таҳлил.
- Фелетон ёзиш ва таҳлил.
- Адабий-танқидий мақола ёзиш ва таҳлил.
- Кичик бадиий публицистик асарлар ёзиш ва таҳлил.

### **Амалий машғулотларни ташкил қилиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларни ташкил этиш юзасидан кафедра томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Талаба асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий машғулотларда мустақамлайди ва бойитади. Дастурда кўрсатилган жанрлар бўйича ёзиш малакасига эга бўлиш, шунингдек, ОАВларда ушбу жанрлардаги материаллари билан фаол иштирок этиш тавсия этилади.

**Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**  
Фан бўйича лаборатория ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган

**Курс ишини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Мазкур фан бўйича курс иши ўқув дастурда режалаштирилмаган

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Журналистик ижод маҳорати асослари фанидан мустақил ишлаш учун ҳар бир йўналишга умумий соатидан келиб чиқиб соат ажратилган.

### **Янгиликлар журналистикаси**

- Матбуот саҳифаларидан янгиликларни топиб ўқиш. Янгиликларни оддий ахборотдан фарқини ажратиш.
- Тўнқарилган эҳром шаклидаги янгиликларни топиш, ўзига хосликларини аниқлаш.
- Климатик шаклдаги янгиликларни топиш, ўзига хосликларини аниқлаш.
- Хронологик шаклдаги янгиликларни топиш, ўзига хосликларини аниқлаш.
- Сиёсий мавзудаги янгиликларни топиб, ўқиш, тасаввурга эга бўлиш.
- Иқтисодий мавзудаги янгиликларни топиб, ўқиш, тасаввурга эга бўлиш.
- Халқаро мавзудаги янгиликларни топиб, ўқиш, тасаввурга эга бўлиш.



- Таълим-тарбия мавзусидаги янгиликларни топиб, ўқиш, тасаввурга эга бўлиш.
- Спорт мавзуидаги янгиликларни топиб, ўқиш, тасаввурга эга бўлиш.
- Ҳуқуқий мавзудаги янгиликларни топиб, ўқиш, тасаввурга эга бўлиш каби мавзулар берилади. Бу жараёнга оид тавсия этилган адабиётлардан талаба мустақил фойдаланади.

### **Репортёрлик санъати**

- Хориж ОАВларида репортаж ҳақидаги фикрларни ўрганиб чиқиш;
- Россия журналистикасидаги машҳур репортажларни ўрганиш;
- Тезкор ҳамда кундалик шароитда ёзилган интервьюларни таҳлил қилиш (Ижтимоий-сиёсий ҳамда мустақил, хусусий газеталар мисолида);
- Журналларда нашр этилган суҳбатларни таҳлил қилиш (Ижтимоий сиёсий журналлар мисолида);
- Ижтимоий ва кўнгилочар мавзулардаги суҳбатларни ўрганиб, улардаги асосий белгиларни аниқлаш;
- Иқтисодий мавзуларда ёзилган ҳисоботларни таҳлил этиш (“Мулқдор” газетаси мисолида);
- Мавзули репортаж ёзишни машқ қилиш;
- Воқеабанд репортаж ёзиш жараёнини ўрганиш. Унда тезкорлик хусусиятининг муҳимлигини ҳис этиш;
- Интервью олиш учун бериладиган саволларни илгаридан режалаштириш каби мавзулар берилади.

### **Таҳлилий журналистика**

- Газеталарда корреспонденция материалларини ўрганиш (“Маърифат” газетаси таҳламлари мисолида).
- Корреспонденция билан янгиликнинг фарқини матбуот материаллари орқали англаш (“Туркистон” газетаси таҳламлари асосида).
- Зиёда Ашурова мақолаларининг тематикаси (“Туркистон”, “Халқ сўзи” газеталари таҳламлари мисолида).
- Таҳлилий мақолалар ёзишда услуб масалалари, (матбуот материаллари асосида).
- Маънавий-маърифий мавзулардаги мақолаларни ёзишда журналист маҳорати. Аҳмаджон Мелибоев мақолалари асосида (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси таҳламлари асосида).
- Муаммоли мақолалар ёзишда муаммонинг қўйилиши (“Маърифат”, “Хуррият”, “Жамият” газеталари таҳламлари асосида).
- Мустақиллик даври ўзбек матбуотида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш мавзуидаги мақолаларни таҳлил қилиш (“Халқ сўзи”, “Правда Востока”, “Тошкент оқшоми”, “Қишлоқ ҳаёти”, “Туркистон” газеталари таҳламлари ва “Тафаккур”, “Саодат”, “Тулистон”, “Фермер” журнали асосида).
- Мустақиллик даври ўзбек матбуотида мустақиллик мавзуидаги публицистик мақолаларни таҳлил қилиш (1991 йил 1 сентябрдан кейин чиққан “Халқ сўзи” газетаси таҳламлари)

- Матбуотда эълон қилинган илмий, адабий-бадий тақризларни ўрганиш (“Халқ сўзи”, “Ўзбекистон овози”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газеталари таҳламлари мисолида).
- Бадий тақризда муаллиф услуби ва маҳорати (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Тафаккур”, “Шарқ юлдузи”, “Ўзбек тили ва адабиёти” нашрларидаги материаллар асосида) каби мавзулар берилди.

### **Шарҳлаш журналистикаси**

- ЎЗА шарҳларини ўрганиш ва бошқа агентликлар шарҳига солиштириш.
- Ўзбекистон Россия алоқаларидаги янги йўналишлар.
- “Халқ сўзи» газетасидаги шарҳларнинг ютуқ ва камчиликларини таҳлил этиш.
- Партия нашрларида ижтимоий-сиёсий мавзулардаги шарҳлар таҳлили.
- “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасидаги ижтимоий шарҳлар таҳлили.
- Ўзбекистон ТВ каналларидаги сиёсий шарҳлар таҳлили.
- Ўзбек радиосидаги театр ва диний мавзудаги шарҳларни ўрганиш.
- Матбуотдаги санъат мавзусига оид шарҳлар таҳлили.
- ТВдаги спорт шарҳларининг ютуқ ва камчиликлари.
- Қўшни давлатлардаги ижтимоий ўзгаришлар ҳақидаги шарҳларни ўрганиш.
- Терроризм мавзусини оммага тушунтиришда журналистикада мавжуд турли позициялар таҳлили каби мавзулар тавсия этилади.

### **Бадий-публицистик маҳорат**

- Талабаларнинг ёзган очерklarини таҳлил қилиш (мавзу маҳорати нуқтаи назардан).
- Талабаларнинг ёзган йўл очерklarини таҳлил қилиш (фактлардан фойдаланиш, асарни композицион ҳамда тил ва услуб жиҳатдан мукамаллаштириш).
- Машҳур фельетонларни таҳлил қилиш ҳамда ёзиш.
- Талабаларнинг ёзган фельетонларини таҳлил қилиш.
- Машҳур эсселарни таҳлил қилиш (Ғарб журналистларининг эсселари, рус ва ўзбек публицистларининг эсселаридан намуналар ўқиш).
- Хат (эпистоляр публицистика) ёзиш. Талабалар ёзган хатларни таҳлил қилиш (публицистларининг эсселаридан намуналар ўқиш).
- Ёзувчи публицистикаси юзасидан амалий тушунча ҳосил қилиш: атоқли ёзувчиларнинг мақоласини таҳлил қилиш.
- Маиший мавзудаги бадий-публицистик жанрлар бўйича талабалар ёзган асарларини таҳлил қилиш каби мавзулар тавсия этилади.

### **Дастурнинг информацион –услубий таъминоти**

Фаннинг ўқитиш шакли маъруза ва семинар машғулоти асосида олиб борилади. Талабаларнинг “Журналистик ижод маҳорати асослари” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни татбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлар намуналаридан фойдаланилади.

Маъруза ва амалий дарсларда мос равишдаги илғор педагогик технологиялар кўлланилади.

Мазкур дастурнинг ўзлаштирилиши замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнида тўғри ва самарали татбиқ қила олиш билан белгиланади. Ушбу мақсадда дарсларда “аклий хужум”, “елпиғич”, “дебатлар”, “инсценировка”, “жумбоқ”, “матбуот конференцияси”, “брифинг” каби интерактив-инновацион технологиялар. Ўқитиш методлари ахборот олишнинг турли йўллари(расмий ва норасмий) жамоа бўлиб ишлаш, таҳлил, тадқиқот, анализ ва синтерз, индукция ва дедукция, манбаларни қиёслаш, мантикий мулоҳаза каби методлардан фойдаланилади.

## **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

### **Асосий адабиётлар:**

1. Нестеренко Ф.П., Эрназаров К.Т., Маматова Я.М. Труд журналиста: профессионализм, творчество, мастерство. Учебное пособие. –Т., 2002.
2. Саидов Ҳ. Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати. Ўқув кўлланма. –Т., 2008.
3. Нурматов А, Тўхлиева Н. Шарҳлаш журналистикаси. Т.: Баёз. 2013 й.
4. Худойкулов М. Журналистика ва публицистика (ўқув кўлланмаси). – Т.: Университет, 2008.
5. Эрназаров Қ. Т. ва бошқалар. Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. Ўқув кўлланма. –Т.: Зарқалам. 2002.

### **Кўшимча адабиётлар:**

1. Alfred Lawrence Lowrenz, John Vivian. News Reportig and Writing. –USA: Allyn and Becon, 1996.-616 p.
2. Ворошилов В.В. Журналистика. Учебник. – СПб.: Изд-во Михайлова, 1999.
3. Девид Рэндалл. Универсальный журналист. –Алматы, 1996.
4. Ким М.Н. Новостная журналистика. Учебник. – СПб.: Изд-во Михайлова, 2003.
5. Ким М.Н. Технология репортажа. Учебник. –СПб.: Изд-во Михайлова, 2004.
6. Мельник Г.С., Тепляшина А.Н. Основы творческой деятельности журналиста. – СПб.: Питер, 2006. – 272 с.
7. Мўминов Ф.А. Журналистское расследование –Т.: Университет, 2002.

### **Интернет сайтлари:**

1. [journ.msu.ru](http://journ.msu.ru)
2. [jf.psu.ru](http://jf.psu.ru)
3. <http://www.internetworldstats.com>.
4. <http://www.internews.uz>.

